

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2023 йил биринчи ярим йилликка мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ**

I. Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йилдаги устувор вазифалари

- 1. Ўзбекистон Республикасида сайловлар ва референдум ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан сайлов ва референдумга оид қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ва уларнинг бир хил тарзда қўлланилишини мониторинг қилиш**
- 2. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш амалиёти, халқаро ташкилотлар тавсиялари ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш**
- 3. Сайлов (референдум) комиссиялари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, сайловларни бошқариш ахборот тизимини модернизация қилиш, сайлов (референдум) жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш**
- 4. Сайлов (референдум) комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш ва ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш**
- 5. Сайлов (референдум) комиссиялари фаолиятининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, уларнинг фаолиятини молиялаштириш самарадорлигини ошириш**
- 6. Сайловларга (референдумга) тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида хорижий давлатлар тажрибасини ва халқаро амалиётни ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш**
- 7. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг, сайлов жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш, аҳоли ҳамда сайлов жараёни бошқа субъектларининг электорал маданиятини юксалтириш**

**II. Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида
кўриб чиқиладиган масалалар**

- 1. Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Андижон, Фарғона, Бухоро, Навоий, Тошкент, Жizzах, Сирдарё вилоятларида халқ депутатлари Кенгашларига сайловларни ўтказишида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси талабларига**

риоя этилиши ва унинг бир хил тарзда қўлланилиши, сайлов жиҳозларининг ҳисобини юритиш ва сақланиш ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида.

январь

2. Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йилда амалга оширилган ишлари тўғрисида

январь

3. Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил биринчи ярим йилликка мўлжалланган иш режаси тўғрисида

январь

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг бўшаб қолган ўринларига сайлов ўтказиш тўғрисида

январь-июнь

5. Марказий сайлов комиссиясининг айrim қарорлари ва низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, референдумга оид норматив-хукуқий ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида.

февраль

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил биринчи ярим йиллик иш режасининг 1-чорак яқунлари бўйича ижроси тўғрисида.

апрель

7. Ўзбекистон Республикасининг референдуми Календарь режасини ва харажатлар сметаси тасдиқлаш тўғрисида.

Референдум ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кунлик муддатда

8. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида вакиллик органларига сайловларни ўтказишида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси талабларига риоя этилиши ва унинг бир хил тарзда қўлланилиши ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида.

июнь

9. Республика ҳудудларида сайлов жиҳозларининг ҳисобини юритиш ва сақланиш ҳолатини манзилли ўрганиш натижалари тўғрисида.

июнь

**III. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2023 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Тадбирлар	Ижро этиш муддати	Масъул ижрочилар
I. Ўзбекистон Республикасида сайловлар ва референдум ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан сайлов ва референдумга оид қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ва уларнинг бир хил тарзда қўлланилишини мониторинг қилиш			
1.	Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайловларни ўтказишида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси талабларига риоя этилиши ва уни бир хил тарзда қўлланилиши ҳамда сайлов жиҳозларининг сақланиш ҳолатини ўрганиш натижаларини муҳокама қилиш.	январь	Х. Маматов, С.Курбанкулов, А. Ибодуллаев, Б. Юнусов, М. Миралимов
2.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудларида ташкил этилиши кўзда тутилган округ ва участка сайлов (референдум) комиссиялари аъзолигига номзодларнинг сифат таркибини таҳлил қилиш ва малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши.	февраль	Б. Юнусов, М. Миралимов
3.	Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов (референдум) комиссиялари фаолиятини тартибга солувчи намунавий регламент лойиҳасини ишлаб чиқиши.	февраль	Б. Юнусов, М. Миралимов, И. Хаджиев
4.	Вилоят, туман ва шаҳар сайлов (референдум) комиссиялари фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда қўлланиладиган услубий хужжатлар намуналарини тайёрлаш.	январь-июнь	Б. Юнусов, А. Ибодуллаев, М. Миралимов, Х. Палуаниязов
5.	Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида халқ депутатлари вилоят (туман ва шаҳар) Кенгашлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётини ҳамда сайлов жиҳозларининг сақланиш ҳолатини манзилли ўрганиш, таҳлил қилиш ва МСК раҳбариятига ахборот тақдим этиш.	февраль-март	Б.Юнусов, А. Ибодуллаев Ж. Фахрутдинов, Ш. Умаров
6.	Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари Сайлов кодекси ва бошқа амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқилганлигини мониторинг қилиш, хуносалар асосида масалага ягона ёндашувни шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши.	доимий	МСК аъзолари, И. Хаджиев, М. Миралимов

№	Тадбирлар	Ижро этиш муддати	Масъул ижрочилар
II. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш амалиёти, халқаро ташкилотлар тавсиялари ва хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш			
7.	Сайлов ва референдум комиссиялари тизимини мақбуллаштириш, марказлашган сайлов ва референдум органлари тизимини шакллантириш ҳамда сайловлар ва референдумни ўтказиш тартиб таомилларини янада такомиллаштиришга доир норматив-хукукий хужжат лойихасини тайёрлаш	январь-июнь	Б. Кучкаров, Х. Маматов, МСК аъзолари, И. Хаджиев, М. Миралимов, Х. Палуаниязов
8.	Ўзбекистон Республикаси сайлов комиссиялари тизимини янада такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича норматив-хукукий хужжат лойихасини ишлаб чиқиши	май-июнь	Б. Кучкаров, Х. Маматов, МСК аъзолари, И. Хаджиев, М. Миралимов
9.	Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси сайлов ва референдум жараёнларини тартибга солувчи қарорлари (низомлари, йўриқномалари, шунингдек референдумга оид хужжатлари намуналари)ни халқаро стандартлар талабларини инобатга олган ҳолда амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш	февраль-апрель	Б. Кучкаров, Х. Маматов, И. Хаджиев, Х. Палуаниязов
10.	Илгор хорижий мамлакатларда қарор топган янги сайлов тартиб таомилларини қиёсий ўрганиш, кузатувчилар миссиялари томонидан билдирилган таклифлар асосида қонунчиликдаги нормаларни либераллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши	январь-июнь	Б. Кучкаров, Х. Маматов, МСК аъзолари, И. Хаджиев, М. Миралимов, Х. Палуаниязов
III. Сайлов (референдум) комиссиялари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, сайловларни бошқариш ахборот тизимини модернизация қилиш, сайлов (референдум) жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш			
11.	Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали сайловчиларга кўрсатиладиган – “Сайлов (референдум) участкасини аниqlаш” ва “Сайлов (референдум) участкасини ўзгартириш” бўйича интерактив давлат хизматларини фаол (актуал) ҳолатга келтириш.	январь-февраль	Б. Юнусов, М. Сатаев, М. Алимбаев
12.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар сайлови, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказишни ўз ичига олган ҳамда СЖБАТни такомиллаштиришга қаратилган Техник топширик ишлаб чиқиши ва ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказиш.	январь-март	Б. Юнусов, М. Сатаев

№	Тадбирлар	Ижро этиш муддати	Масъул ижрочилар
13.	Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида референдум участкаларининг интерактив электрон харитасини жойлаштириш.	февраль-март	Б. Юнусов, М. Сатаев, М. Алимбаев
14.	Референдум (сайлов) комиссия аъзолари (операторлар) тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва СЖБАТга киритиш.	февраль-март	Б. Юнусов, М. Сатаев
15.	Вилоят, туман (шаҳар), округ ва участка референдум комиссиялари аъзоларига яратилган шарт-шароитни (компьютер, принтер, сканер, нусха кўчириш аппарати, телефон, интернет, штабга алоҳида хона ажратиши) мониторинг қилиш.	февраль-март	Б. Юнусов, М. Сатаев, Ж. Фахрутдинов
16.	Марказий сайлов комиссияси фаолиятига киберхавфсизлик талабларига жавоб берадиган кибертаҳдидларни аниқловчи тизимни жорий этиш.	апрель	Б. Юнусов, М. Сатаев
17.	Хорижий давлатлар илғор тажрибасини ўрганган ҳолда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этувчи сайловчиларни сайлов участкаларида идентификация қилиш курилмаларини синовдан ўtkазиш бўйича асослантирилган таклиф тайёрлаш.	май-июнь	Б. Юнусов, А. Ибодуллаев, М. Сатаев
18.	СЖБАТ ва СЯЭРни такомиллаштиришга қаратилган норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши ва белгиланган тартибда киритиш.	май-июнь	Б. Юнусов, М. Сатаев
IV. Сайлов (референдум) комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш ва ўқитиши тизимини янада такомиллаштириш			
19.	Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари учун “Бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказишнинг муҳим масалалари” мавзусида ўқув семинарларини ташкил этиш.	февраль-май	Х. Маматов, Б. Юнусов, А. Ибодуллаев, Х. Палуаниязов, М. Миралимов
20.	Референдумга оид қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари тўпламини ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этиш; референдум иштирокчилари – кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия ходимлари учун эслатмаларни тайёрлаш.	февраль-апрель	Х. Маматов Х. Палуаниязов, М. Алимбаев, А. Нурмухamedов, Ж. Фахрутдинов
21.	Аҳолининг электорал маданиятини кўтариш, сайлов ва референдум моҳиятини ёритиши, сайлов ва референдумларда иштирок этиш тартиб қоидалари ҳақидаги инфографик ва бошқа кўринишидаги туркум материаллар тайёрлаш.	май	Б. Кучкаров, Х. Маматов, Х. Палуаниязов

№	Тадбирлар	Ижро этиш муддати	Масъул ижрочилар
22.	Референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш ҳақидаги концепцияни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш.	февраль-март	Б. Кучкаров, Х. Маматов, X. Палуаниязов
V. Сайлов (референдум) комиссиялари фаолиятининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, уларнинг фаолиятини молиялаштириш самарадорлигини ошириш			
23.	<p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сақланаётган сайлов жиҳозларини қайта хатловдан ўтказиш, сайлов (референдум) участкаларида овоз бериш жараёнлари учун етарли микдорда бўлишини таъминлаш;</p> <p>Худудлар кесимида сайлов жиҳозларининг сақланиш манзили ва сифатли сақланишини таъминлаш учун масъул этиб белгиланган шахс ҳақидаги маълумотлар базасини яратиш, у билан доимий алоқа ва ҳамкорликни йўлга қўйиш</p>	февралдан бошлаб доимий	Ж. Фахрутдинов, Ш. Умаров
24.	2022 йилда МСК ишчи гурӯҳи томонидан Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Андижон, Фарғона, Бухоро, Навоий, Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ўтказилган сайлов жиҳозларининг сақланиш ҳолатини манзилли ўрганиш якунлари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича худудларга берилган таклиф ва тавсиялар бажарилганини муайян бир худудда қайта ўрганиш, чиқарилган хулосалар ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш асосида барча худудий комиссиялар раҳбарлари иштирокида онлайн муҳокама ўтказиш	март	Б. Кучкаров, Б.Юнусов, А.Ибодуллаев, Ж. Фахрутдинов, Ш. Умаров
25.	Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар учун харид қилинадиган айrim товарларни референдум комиссияларига етказиб бериш режа-жадвалини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш.	март	А. Ибодуллаев, Ж. Фахрутдинов, Ш. Умаров
26.	Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни инобатга олган ҳолда, шу жумладан, референдум ўтказувчи округ ва участкалар кесимида харажатлар сметаси лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш	январь-февраль	А. Ибодуллаев, Ш. Умаров
27.	Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил учун тасдиқланган Давлат бюджетида МСК учун ажратилган маблағлар доирасида МСКнинг	март	А. Ибодуллаев, Ш. Умаров

№	Тадбирлар	Ижро этиш муддати	Масъул ижрочилар
	йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш		
28.	Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил учун тасдиқланган харажатлар сметаси ижроси юзасидан биринчи ярим йиллик учун молиявий ҳисботларини сифатли тайёрлаш ва белгиланган муддатларда тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этиш	март-июнь	Ш. Умаров
29.	Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар бўйича якуний ҳисботларни жамлаш, таҳлил этиш ва умумлаштирилган ҳолда Молия вазирлигига тақдим қилиш	июнь	Ш. Умаров
VI. Сайловларга (референдумга) тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида хорижий давлатлар тажрибасини ва халқаро амалиётни ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш			
30.	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи – давлатлари сайлов органлари раҳбарларининг Маслаҳат кенгаши биринчи мажлисини ўтказиш масаласини ўрганиб чиқиш.	февраль-март	Г. Рахимова, А. Нурмухamedov
31.	МСК вакилларининг хорижий давлатлар сайлов органлари таклифига кўра ва халқаро ташкилотлар миссиялари таркибида хорижий мамлакатлардаги сайловлар ва референдумларни кузатища иштирокини таъминлаш.	январь-июнь	Г. Рахимова, А. Нурмухamedov,
32.	Марказий сайлов комиссиясининг Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси (IFES) билан ҳамкорликдаги Тадбирлар режаси доирасида МСК аъзолари ва МСК Котибияти масъул ходимлари ҳамда сайлов жараёнининг бошқа ташкилотчилари учун “Гендер ва сайловлар” мавзусида ўқув машғулотларини ташкил этиш.	февраль-март	Г. Рахимова, А. Нурмухamedov, бўлим бошлиқлари
33.	Ўзбекистон Республикаси референдумига халқаро кузатувчиларни (EXXT ДИИХБ, МДХ, ШХТ ва ҳ.к. ҳамда хорижий мамлакатлар сайлов органи вакилларини) таклиф қилиш, уларни аккредитация қилиш ва рўйхатга олиш бўйича ишларни ташкил этиш.	январ - март	Г. Рахимова, А. Нурмухamedov
34.	Марказий сайлов комиссияси вакиллари ва референдум бошқа ташкилотчиларининг малакасини ошириш бўйича тематик ўқув тадбирларини ўтказишга хорижий эксперт ва мутахассисларни жалб қилиш масаласини ишлаб чиқиш.	февраль-апрель	Г. Рахимова, А. Нурмухamedov

№	Тадбирлар	Ижро этиш муддати	Масъул ижрочилар
35.	Ўзбекистон Республикаси вакилларининг хорижий сайлов органлари тақлифига биноан ва турли халқаро миссиялари таркибида хорижий мамлакатлардаги сайловлар ва референдумларнинг кузатувчиси сифатидаги иштирокини ёритиб бориш.	январь-июнь	А. Нурмухамедов, М. Алимбаев
VII. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг, сайлов жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш, аҳоли ҳамда сайлов жараёни бошқа субъектларининг электорал маданиятини юксалтириш			
36.	Очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун сайлов ва референдум жараёнларини ёритишнинг ўзига хос хусусиятлари мавзуусида семинар-тренинг ва давра сухбатлари ўтказиш.	февраль-апрель	Б. Кучкаров, МСК аъзолари, Б.Юнусов, М. Алимбаев, А. Ибодуллаев
37.	“Сайлов: кеча ва бугун” номли сайловлар тарихига бағишлиланган хужжатли фильм тақдимотини ўтказиш.	апрель-май	Б. Кучкаров, М. Алимбаев, А. Ибодуллаев
38.	МСК аъзоларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишилари юзасидан медиа-режа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	январь-февраль	Б. Кучкаров, С.Курбанкулов Қ.Очилов, М. Алимбаев
39.	Ижтимоий тармоқларда сайлов ва референдум ташкилотчилари ва сайлов (референдум) комиссиялари фаолиятига доир медиа маҳсулотлар берib бориш.	референдумга тайёргарлик кўриш даврида	Б. Кучкаров, МСК аъзолари, М. Алимбаев, М. Сатаев
40.	МСКнинг доимий фаолият юритадиган орган сифатида ташкил топганлигининг 25 йиллигини нишонлаш концепциясини ишлаб чиқиш.	июнь	Б. Кучкаров, Х. Маматов, МСК аъзолари, Қ. Очилов, бўлимлар бошлиқлари
41.	МСК фаолиятига доир ҳамда комиссия ташкил топганлигининг 25 йиллиги муносабати билан қисқа метражли хужжатли фильм яратилишини ташкил этиш.	январь-июнь	Б. Кучкаров, М. Алимбаев
42.	МСК фаолиятини расмий веб-сайт ҳамда ижтимоий тармоқларида кенг ёритиб бориш, сайловчиларнинг электорал маданиятини оширишга доир контент билан тўлдириш.	январь-июнь	М. Алимбаев
43.	МСК мажлислари ва тадбирларидан сўнг брифинг ва матбуот анжуманларини тизимли ўтказилишини йўлга қўйиш.	январь-июнь	Б. Кучкаров, Х. Маматов, М. Алимбаев